

ОРАЛИҚ ҲИСОБОТ

2 Декабр – 11 Декабр 2014 й.

12 Декабр 2014 й.

I. АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

- 21 Декабр куни сайловчилар парламентга 135 нафар депутатни бир-мандатли сайлов округлари бўйича кўпчилик овози асосида сайлайдилар. Бундан ташқари 15 та депутат Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан унинг анжуманида билвосита равишда сайланади. Яқинлашаётган сайловлар муҳим сиёсий тадбир сифатида баҳоланмоқда. Айниқса, яқинда Конституцияга киритилган ўзгартиришлар кўра қуйи палатада энг кўп ўринга эга бўлган партия ўз сафидан Бош Вазирга номзод таклиф этиши ҳуқуқига эга бўлиши мазкур сайловларнинг аҳамиятини орттирмоқда.
- Сўнгги сайловлардан кейин ўтган давр мобайнида сайлов бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритилди. Янги киритилган моддаларнинг баъзилари ЕХХТ/ДИИХБнинг олдинги тавсиялари асосида тайёрланган. Аммо, ЕХХТ/ДИИХБнинг бир қатор тавсиялари, шу жумладан, асосий эркинликларга тааллуқли бўлган, хусусан, сиёсий партиялар ва жамоат уюшмаларини рўйхатга олиш ҳамда сўз эркинлиги ҳуқуқини кафолатлаш билан боғлиқ бўлган тавсиялари эътибордан четда қолдирилган.
- Сайловлар МСК, 135 та округ сайлов комиссиялари ва 9 мингга яқин участка сайлов комиссиялари (УСК) томонидан бошқарилади. Умуман олганда, бугунга қадар сайлов бўйича белгиланган муддатларга риоя қилинмоқда. УСК учун ўқув-машғулотлар давом этмоқда, 11 декабр куни муддатидан олдин овоз бериш жараёни бошланди.
- МСК, сайловчиларнинг сони дастлабки маълумотларга кўра 20 789 572 кишини ташкил этганлигини эълон қилди. 6 декабрдан бошлаб сайловчиларнинг рўйхати УСКлардаги эълон тахталарига жойлаштирилди. Сайловчилар мазкур рўйхатга ўзгартиришлар киритишни сўраб мурожаат қилишлари мумкин.
- Сайлов кампанияси расмий равишда 15 ноябрда, МСК депутатликка 535 нафар номзодни, шу жумладан 170 та аёл номзодларни рўйхатга олганидан сўнг бошланди. Сайловда мавжуд тўртта сиёсий партия иштирок этмоқда. Ҳозирга қадар сайлов кампанияси бораётганлиги тўғрисидаги далиллар унчалик кўп эмас.
- Сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдони бепул тақдим этилган. Бундан ташқари сиёсий партиялар давлат ва тижорий оммавий ахборот воситаларида эфир вақти ва нашр майдонини сотиб олишлари мумкин. Қонун ҳужжатларида оммавий ахборот воситаси тарқатилаётган маълумотнинг ишончли эканлиги юзасидан масъул ҳисобланиши тўғрисида ва шу билан бирга бўҳтон ёки номни қораловчи, шу жумладан депутатларнинг шаънига путур етказувчи маълумот тарқатиш жиноий ҳаракат саналиши тўғрисида моддалар мавжуд.

- Номзодлар, партиялар, сайловчилар ва кузатувчилар сайлов комиссияларининг қарорлари юзасидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Ҳозирги кунга қадар МСКга сайлов жараёни юзасидан ҳеч қандай расмий шикоят келиб тушмади.

II. КИРИШ

Ўзбекистон ҳукуматининг расмий таклифи асосида ҳамда 28-30 октябр кунлари ўтказилган Эҳтиёжларни Баҳолаш Миссияси (ЭБМ)нинг тавсиялари асосида ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) 2 декабр куни Сайловни кузатувчилар чекланган миссияси (СКЧМ) ни тузди¹. Элчи Даан Вильям Эверст томонидан бошчилик қилинаётган СКЧМ Тошкент шаҳрида жойлашган, 12 кишидан иборат асосий жамоа ҳамда 8 кишидан иборат узок муддатли кузатувчилар (УМК)дан ташкил топган. УМК 4-5 декабр кунлари мамлакатнинг турли ҳудудларига сафарга чиқди. Миссия аъзолари ЕХХТга аъзо бўлган 16 та мамлакат вакилларидаан йиғилган. ДИИХБ методологиясига асосан СКЧМ сайлов кундаги фаолиятни систематик ёки ҳар томонлама кузатишни амалга оширмайди, лекин унинг аъзолари чекланган сондаги сайлов участкаларига ташриф буюрадилар.

III. ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАР

15 сентябр куни Марказий сайлов комиссияси (МСК) Олий Мажлиснинг қуйи палатасига 21 декабр куни бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик бўйича расмий фаолиятни бошлади. Парламент сайловлари билан бир вақтда халқ депутатлари вилоят ва маҳаллий кенгашларига депутатлар сайловлари ўтказилади. Яқинлашаётган сайловлар муҳим сиёсий тадбир сифатида баҳоланмоқда. Айниқса, яқинда Конституцияга киритилган ўзгартиришларга кўра қуйи палатада энг кўп ўринга эга бўлган партия ўз сафидан Бош Вазирга номзод таклиф этиши ҳуқуқига эга бўлиши мазкур сайловларнинг аҳамиятини орттирмоқда. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМси суҳбатдошларидан баъзилар бунга янада рақоботбардош сайлов муҳитини яратиш томонга қараб ривожланиш мумкинлигининг белгиси деб баҳоламоқдалар.

Сўнгги парламент сайловлари 2009 йилнинг 27 декабрида ўтказилган бўлиб, унинг натижаларига кўра қонунчилик палатасидаги ўринлар тўртта партия орасида қуйидагича тақсимланди: Ўзбекистон Либерал Демократик Партияси (ЎзЛиДеП) 53 та ўринга эгалик қилди, Халқ Демократик Партияси (ХДП) – 32 та ўрин, “Миллий Тикланиш” Ўзбекистон Демократик Партияси (ЎДП) – 31 ўрин, “Адолат” Ўзбекистон Социал Демократик Партияси (СДП) – 19 та ўрин. Қонунга асосланган ҳолда 15 та ўрин Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎЭХ)га топширилди.

IV. САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҲУҚУҚИЙ БАЗА

Мамлакат Парламенти (Олий Мажлис) икки палата – 100 нафар аъзога эга бўлган Сенат ва 150 та аъзога эга бўлган қуйи палатадан иборат. Ҳар иккала палата аъзолари 5 йил муддатга сайланадилар. Сенат таркиби ҳудудий вакиллар асосида ташкил этилиб, унга кўра 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 6 тадан вакил қабул қилинади ва президент томонидан 16 та сенатор тайинланади. 21 Декабр куни сайловчилар парламентга 135 нафар депутатни бир-мандатли сайлов округлари бўйича кўпчилик овози

¹ ЭБМнинг ҳисботи ва Ўзбекистон бўйича бошқа ҳисоботлар билан қуйидаги манзилда танишиш мумкин: www.osce.org/odih/elections/uzbekistan.

асосида сайлайдилар ва ундан ташқари 15 та депутат Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎЭХ) томонидан ўз анжуманида билвосита равишда сайланади. Қонунчилик палатасига 15 та депутат ЎЭХ томонидан билвосита равишда сайланиши ЕХХТ нинг 1990 йилги Копенгаген Хужжатининг 7.2 параграфига мос келмайди². Сайловчилар рўйхатиغا киритилган овоз берувчиларнинг 33 фоиздан ками сайловда қатнашган ҳолда сайловлар қайтадан ўтказилади. Ютиб чиқиш учун бевосита сайланган номзодлар берилган овозларнинг кўпчилигига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, номзодлар ичида етакчилик қилаётган икки номзод ўртасида икки ҳафта ичида иккинчи раунд сайлови ўтказилади.

Парламент сайловларининг қонуний базаси сўнгги марта 2014 йилнинг апрел ойида ўзгартиришлар киритилган Конституция, сўнгги бор 2014 йилнинг август ойида ўзгартиришлар киритилган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги” қонуни, сўнгги марта 2014 йилнинг сентябр ойида ўзгартиришлар киритилган “Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссияси тўғрисидаги” қонуни, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги” қонун, “Сиёсий партиялар тўғрисидаги” қонун, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги” қонун, Жиноят Кодекси, сўнгги бор 2014 йилнинг август ойида ўзгартиришлар киритилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс ҳамда МСКнинг норматив ҳужжатларидан иборат.

Сўнгги сайловлардан кейин ўтган давр мобайнида сайлов қонунчилигига ўзгартиришлар киритилди. Ўзгартиришларнинг баъзиларида ЕХХТ/ДИИХБ томонидан олдин тақдим этилган тавсиялар инобатга олинган. Хусусан, сайлов кампанияси фаолияти ва муддатидан олдин овоз бериш жараёнларига тааллуқли қоидаларга тўлдиришлар киритилди; ЎЭХ анжуманини кузатиш имконини яратувчи қонуний асос киритилди; эндиликда тергов изоляторларида овоз бериш имкониятлари қонун томонидан назарда тутилган. Аммо, сайлов кунидан олдинги уч кун давомида ва айнан сайлов кунини омма фикри сўровномаси натижалари, сайлов натижалари прогнозлари ҳамда давом этаётган сайловлар билан боғлиқ бўлган бошқа тадқиқотларни чоп этиш таъқиқланган. Мазкур тавсиф давлат идоралари томонидан қонунга мувофиқ кенг ваколатли ҳаракатларга сабаб бўлиши мумкин.³

“Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс”га сайловлар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар бўйича янги боб қўшилди. Киритилган моддаларда сайловни бошқариш органлари ишига аралашув, уларнинг қарорларига бўйсунмаслик, номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари, шу билан бирга сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ва кузатувчиларининг ҳуқуқлари бузилиши, сайлов кампанияси шартлари ва тартибларига риоя қилмаслик, шу жумладан сайлов кампаниясини молиялаш, номзодлар ва сиёсий партиялар тўғрисида нотўғри маълумотлар тарқатиш, сайлов кампанияси материалларини қасддан вайрон қилиш ёки уларга шикаст етказиш, омма фикри сўровномаси натижаларини ва сайлов натижалари тўғрисидаги прогнозларни чоп этиш тартиб-қоидаларини бузиш каби масалаларни қамраб олган.

² Копенгаген Хужжатининг 7.2 параграфига қаранг. Унда ЕХХТга аъзо давлатлар “Миллий қонунчиликнинг энг камида битта палатасида барча ўринлар тўлалигича халқнинг овоз бериши асосида тақсимланишини таъминлаши” лозимлиги кўрсатилган.

³ ЕХХТ/ДИИХБ ва Европа Комиссиясининг Қонунлар орқали демократизация кенгаши (Венеция Комиссияси)нинг 2012 йил 14-15 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Сайловлар тўғрисидаги» қонунига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларига сайловлар тўғрисидаги» қўшимчалар ва ўзгартиришлар лойиҳаси бўйича Қўшма Хулосасининг қуйидаги интернет манзилида келтирилган матнига қаранг: <http://www.osce.org/odihr/elections/98277?download=true>.

Киритилган ўзгартиришларнинг баъзилари ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМси суҳбатдошлари томонидан ижобий ўзгаришлар сифатида баҳоланди. Аммо, ЕХХТ/ДИИХБ нинг бир қатор тавсиялари, шу жумладан асосий эркинликларга тегишли бўлган тавсиялар инobatга олинмай қолган. Шунингдек, киритилган тузатишларда ЕХХТ/ДИИХБ томонидан сиёсий партиялар ва ижтимоий уюшмаларни рўйхатга олиш, фуқаролар томонидан сайловни кузатиш ҳамда сўз эркинлиги ҳуқуқининг кафолатлари боғлиқ илгари тақдим этилган тавсиялар инobatга олинмаган.

V. САЙЛОВЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛИ

Ушбу сайловлар уч даражадан иборат бўлган сайлов бошқаруви томонидан ташкил этилади: МСК, бир мандатли сайлов округлари сонидан келиб чиққан ҳолда 135 та Округ Сайлов Комиссиялари (ОСК) ва 9000 га яқин Участка Сайлов Комиссиялари (УСК). Маҳалла қўмиталари сайлов маъмуриятига маҳаллий микёсда ёрдам беришда муҳим рол ўйнайдилар. Жумладан сайлов ҳудудлари чегараларини белгилаш, сайлов комиссиялари аъзоларини танлаш ҳамда сайловчилар рўйхатини тузиш кабилар маҳалла қўмиталари томонидан амалга оширилади.

МСК доимий орган бўлиб, ОСК ва УСКлар ҳар бир сайлов учун янгидан тузиладилар. Конституцияга яқинда киритилган ўзгартиришларга кўра МСКга конституцион орган мавқеъи берилди ва мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлилик унинг асосий принциплари қилиб белгиланди. МСК аъзолари ҳудудий кенгашларнинг тавсиясига асосан Парламентнинг иккита палатаси томонидан чекланмаган муддатга тайинланади. МСК раиси комиссия аъзолари орасидан Президентнинг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади. Бугунги кунда МСКнинг 18 аъзосидан 3 таси аёллардан иборат. Комиссиянинг энг узоқ хизмат қилаётган аъзоси 1998 йилдан буён ишлаб келаётган бўлса, 2014 йилнинг апрел ойида МСКнинг 10 та аъзоси тайинланди. Комиссиянинг тўртта аъзоси доимий аснода ишлайди ва қолган аъзолари ўриндошлик асосида ишлайдилар ва бундай аъзолар ўз ҳудудларида яшаб, пойтахтга Комиссия мажлисларида қатнашиш учун келиб турадилар.

11 сентябр куни МСК сайлов жараёни 15 сентябрда бошланишини эълон қилди ҳамда қондалар ва йўриқномалар тўпламини қабул қилди. Ўтган давр мобайнида долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун комиссиянинг бешта мажлиси ўтказилди. Бундай масалалар қаторида округлар чегараларини белгилаш, номзодларни рўйхатга олиш, ОСК аъзоларини тайинлаш, сайловда қатнашаётган сиёсий партиялар учун оммавий ахборот воситаларида нашр майдонларини бепул аснода тақдим этиш ҳамда халқаро кузатувчиларни аккредитация қилиш кабилар кўриб чиқилди. Комиссия мажлисларида сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда халқаро кузатувчилар қатнашишлари мумкин. Қонунда МСК қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши назарда тутилган бўлсада, бунинг амалга оширишнинг муддатлари белгиланмаган. Умуман олганда, ҳозирга қадар сайлов муддатларига риоя қилинмоқда ва МСК сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришларнинг тадбиқ этилиши бўйича ҳеч қандай муаммолар тўғрисида хабар бермади.

МСК ўз интернет саҳифасини бошқариб бормоқда ва шу билан биргаликда оммани сайлов жараёни ва ўз фаолияти борасида хабардор қилиб туриш мақсадида Республика Матбуот Марказини ташкил этган. Сайловчилар ва бошқа манфаатдор тарафларни сайлов тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаб туриш мақсадида МСК омма билан боғланиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширди. Бундайлар жумласига сиёсий партиялар

вакиллари, маҳалла етакчилари⁴, аёллар ва ёшлар билан давра суҳбатлари, журналистлар учун ўқув-машғулотлар, матбуот конференциялари ҳамда жараённинг турли қирраларини ёритувчи босма ва видео материалларни тарқатиш каби тадбирларни мисол қилиш мумкин.

Округларнинг чегаралари МСКнинг 3 октябрда ўтказилган мажлисида, ҳудудий кенгашларнинг тавсиялари асосида белгиланган. МСКнинг қарорига асосан ҳар бир округдаги сайловчиларнинг ўртача сони 154 минг кишидан иборат бўлиши лозим. Аммо округлар орасида уларнинг ҳажми бўйича салмоқли тафовутлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг кичигида (Навоий вилоятидаги 36-сонли Зарафшон ОСКда) 107 мингга яқин сайловчи, энг йириги (Сурхандарё вилоятидаги 74-сон Денов ОКС)да 183 минг атрофидаги сайловчи қамраб олинган.

9 октябр куни МСК 135 нафар ОКСнинг таркибини тасдиқлади. Улардаги аъзоларнинг умумий сони 1 463 кишини ташкил этди. Ҳар бир ОКС камида 9 та аъзодан иборат бўлиши лозим. МСК берган маълумотларга кўра, мазкур аъзоларнинг учдан икки қисми сайловларни бошқариш бўйича тажрибага эга. ОКС даражасида аёлларнинг вакиллиги етарлича таъминланмаган – улар ОКС аъзоларининг 20 фоизга яқинини ташкил этади.

Маъмурий-ҳудудий чегаралар ҳамда маҳаллий кенгашлар тавсияларига асосланган ҳолда, ҳозирги кунга қадар ОКС 9035 та сайлов участкасини ташкил қилган бўлиб, улардан 20 тадан 3000 тагача сайловчилардан иборат.⁵ УСК хизмат қилиш учун ОСКлар томонидан 90 минг киши тайинланган бўлиб, уларнинг 44 фоизи аёллардан иборат. УСКлар 5 тадан 19 тагача аъзодан ташкил топган. МСК берган маълумотларга кўра ОСКларнинг ўқитиш ишлари якунига етган ва айни чоғда – 6 – 13 декабр оралиғида УСКлар учун икки соатлик ўқув-машғулотлар ўтказиш давом этмоқда. Ўқув-машғулотлар дастуридан қонунларга киритилган ўзгартиришлар, УСК ва маҳаллий бошқарув органларининг вазифалари ҳамда сайлов қонун-қоидаларини бузиш каби мавзулар ўрин олган.

Ҳорижда яшовчи сайловчилар Ташқи ишлар вазирлиги таклифи асосида МСК томонидан дунёнинг 36 та мамлакатидagi дипломатик ваколатхоналарда ўрнатилган жаъми 44 та сайлов участкаларида овоз беришлари мумкин.⁶ Мамлакатдан ташқарида берилган барча овозлар Тошкент шаҳридаги 126-сон сайлов округида йиғилган овозларга қўшилади. Сайлов куни овоз бериш имконига эга бўлмайдиган сайловчилар ўз овозларини 11 декабрдан 19 декабргача бўлган вақт давомида УСКларда беришлари мумкин. Муддатидан олдин овоз бериш учун сайлов бюллетенлари босмадан чиқарилган ва УСКларга тарқатилган.

VI. САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

18 ёшга тўлган фуқаролар сайловда ўз овозларини бериш ҳуқуқига эгалар, аммо агар фуқаро суд қарорига асосан ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилинган бўлса ёки у бирон ҳуқуқбузарлик туфайли қамоқда сақланаётган бўлса бундан мустасно ҳисобланади. Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар ўзларининг доимий ёки вақтинчалик рўйхатга ўтган яшаш жойларидаги сайловчилар рўйхатига киритилганлар. Марказий сайлов реестри мавжуд бўлмай, ҳар бир

⁴ “Маҳаллалар” Ўзбекистондаги анъанавий ҳамжамият тузилмалари бўлиб, улар ҳамжамиятнинг кундалик ҳаётини бошқарадилар ва давлат ва ҳамжамият ўртасидаги алоқани таъминлаб туришга хизмат қиладилар. Уларнинг роли 1993 ва 1999 йиллардаги “Фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги” қонун (“Маҳалла қонуни”)да расмийлаштирилган. Маҳалла қўмитаси қарорларига риоя қилмасли қонунан жазоланади.

⁵ Қўшимча махсус сайлов участкалари сайлов кунига беш кун қолгунга қадар тузилиши мумкин.

⁶ Ушбу сайлов участкалари жойлашган манзиллар рўйхати қуйидаги саҳифада келтирилган: <http://elections.uz/en/events/news/3156/>.

сайлов бўйича маълумотлар маҳаллий бошқарув органлари (ҳокимликлар)дан УСКларга тақдим этилади, УСКлар маҳалла кўмиталари ёрдамида сайловчилар рўйхатларини тузиш ва кўриб чиқиш юзасидан масъулдирлар. МСК сайловчиларнинг дастлабки умумий сони 20 789 572 кишини ташкил этганлигини эълон қилди. Қонунга асосан ҳар бир сайловчи фақат битта сайлов рўйхатига киритилиши мумкин, гарчанд ягона сайлов реестри бўлмагани туфайли буни тасдиқлаш қийин.

Сайловчилар рўйхатлари УСКларда 6 декабрдан бошлаб эълон тахталарига жойлаштирилди. Махсус УСКларда улар 14 декабрдан бошлаб эълон қилинадилар. Сайловчилар рўйхатларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш ва ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ҳуқуқига эгалар. УСК сайловчилардан келиб тушган талабномаларга 24 соат ичида жавоб бериши ва ўз қарорларини етарлича асослаб беришлари лозим. УСКларнинг қарорлари юзасидан судга апелляция билан мурожаат қилиш мумкин. Сайлов рўйхатидан ўчирилган сайловчилар сайлов куни ўзларининг мазкур участка ҳудудида яшашларига далил келтирган ҳолда исботлашлари ва кўшимча рўйхатга киритилган ҳолда ўз овозларини беришлари мумкин.

Вақтинчалик аҳлоқни тузатиш муассасаларида, ҳарбий бўлинмаларда, хордик чиқариш жойларида, санаторийларда, шифохоналарда ва амбулатор даволаш муассасаларида бўлган ҳамда мамлакатдан ташқарида яшаётган овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар рўйхатлари мазкур муассасалар ёки муайян дипломатик миссиялар раҳбарлари томонидан тузилади. МСКнинг дастлабки маълумотларига кўра хорижда яшаётган сайловчилар рўйхатига 13 280 сайловчи киритилган. Аммо ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМси суҳбатдошларидан аксарияти мамлакатдан ташқарида яшаётган фуқаролар сони бир неча миллион кишини ташкил этиши мумкинлигини билдирдилар.

VII. НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Ёши 25 дан кам бўлмаган ва сайлов кунига қадар мамлакатда камида сўнгги беш йил давомида яшаган фуқаролар номзод бўлишлари мумкин. Қонунга асосан оғир ва ўта оғир жиноят содир қилганлиги учун ҳали жазо муддатини ўтаб бўлмаган, хизматдаги ҳарбийлар ёки хавфсизлик хизмати ходимлари ва диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари номзодлик ҳуқуқига эга эмаслар.

Сайловларда қатнашишлари учун депутатликка номзодлар МСК томонидан рўйхатга олинган сиёсий партиялардан бири томонидан таклиф қилиниши керак. ЕХХТ/ДИИХБнинг олдинги тавсияларига қарамасдан ва ЕХХТнинг 1990 йилги Копенгаген Ҳужжатининг 7.5-параграфига зид равишда мустақил номзодлар сайловларда қатнашишлари мумкин эмас.⁷ Ўз номзодларини таклиф қилиш учун сиёсий партия сайлов бошланишидан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган бўлиши лозим ва 40 мингта сайловчилардан уни кўллаб-қувватлашларини тасдиқловчи имзоларни йиққан бўлиши лозим. Битта маъмурий ҳудуддан йиғилган имзоларнинг умумий имзолар сонидаги улуши саккиз фоиздан ошмаслиги шарт. Шунингдек, МСКнинг 2009 йилда қабул қилган йўриқномасига асосан сайловчи биттадан ортиқ сиёсий партияни кўллаб имзо отиши мумкин эмас. Расмий рўйхатдан ўтган тўртта сиёсий партиянинг ҳаммаси МСК томонидан рўйхатга олинган. МСК сайловда қатнашаётган партиялар томонидан тақдим этилган имзолар намуналарини текшириб, ҳеч қандай муаммо йўқлигини тасдиқлади.

⁷ Копенгаген Ҳужжатининг 7.5-параграфига қаранг. Унга кўра ЕХХТга аъзо давлатлар “фуқароларнинг мустақил равишда ёки сиёсий партиялар ёки ташкилотларнинг аъзоси сифатида, сиёсий ёки жамоатчилик лавозимларини эгаллаш учун дискриминация қилинмаган ҳолда сайловда қатнашиш ҳуқуқини таъминлашлари лозим.”

Қонунга асосан номзодларни рўйхатга олиш жараёни 17 октябрдан 6 ноябрга қадар бўлган вақт давомида амалга оширилди. Номзод фақат бир участка томонидан таклиф этилиши мумкин ва ҳар бир партия битта участкадан фақат биттадан номзодини тайинлаши мумкин. Қонунчиликка асосан ҳар бир партиядан тарғиб қилинаётган номзодларнинг камида 30 фоизи аёллардан иборат бўлиши лозим. Ҳар тўрттала партия 135 та округнинг ҳаммаси бўйича ўз номзодларини тайинлади. Номзодларнинг якуний рўйхати 15 ноябрда эълон қилингунига қадар бешта номзод ўз номзодини бекор қилгани сабабли МСК томонидан 535 нафар номзод, шу жумладан 170 та аёл номзодлар (31,8 фоиз) рўйхатга олинди.⁸ Қонунда сиёсий партияларга ўз номзодларини сайлов кунидан беш кун олдинга қадар бекор қилиш ҳуқуқи берилган бўлиб, айти чоғда, номзодлар номзодликдан истаган вақтда воз кечишлари мумкин.

VIII. КАМПАНИЯ МУҲИТИ ВА КАМПАНИЯНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Сайлов тўғрисидаги қонунга асосан сайловда қатнашиш учун барча номзодлар бир хил ҳуқуқлар ва шароитларга эга бўлишлари лозим. Қонунга 2012 йилда ўзгартириш киритилди ва унга кўра сайлов кампанияси кўринишлари, формалари ва услублари баён қилинган ҳамда агар қонунда таъқиқланмаган бўлса, баён қилинмаган кампания турлари, формалари ва услубларидан фойдаланишга рухсат берилади.⁹ Сиёсий партиялар номзодлари ўз сайлов кампаниялари доирасидаги тадбирларни УСК билан келишган ҳолда ташкиллаштиришлари лозим. Маҳаллий ҳокимият органлари номзодлар ва сиёсий партияларни улар ўз сайловчилари билан учрашишлари учун бино-жой шароитлари билан таъминлаб беришлари шарт. Қонунда номзодларга давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳамда ўз сайлов кампаниялари материалларини тайёрлаш ва тарқатиш учун тенг имкониятлар берилиши назарда тутилган.

Қонунда келтирилган меъёрларга асосан сайлов кампанияси 15 ноябр куни бошланди ва 19 декабрга қадар давом этади. Сайлов куни ва ундан бир кун олдин сайлов кампанияси олиб борилмайди.

Рўйхатдан ўтган тўртта сиёсий партия халққа ўз сайлов кампанияларини ўз платформалари ва номзодларини электрон ва босма оммавий ахборот воситалари орқали танитиш ва бутун мамлакат бўйлаб сайловчилар билан учрашувлар уюштиришдан бошлади. Партияларнинг дастурларида асосий эътибор ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий ривожланишга қаратилган ҳамда осойишталик, бирдамлик ҳамда босқичма-босқич сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ўтказиш кераклигига урғу берилган. Сайлов иштирокчилари ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга улар сайловчилар эътиборини қаратиш учун асосан баннерлар, плакатлар, варақалар, бевосита учрашувлар ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш усулларидан фойдаланишларини билдирдилар. Ҳозирга қадар кампаниядан далолат берувчи фаолиятлар кўп бўлгани кузатилмади.

Сайлов билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар давлат томонидан қопланади. Сиёсий партияга давлат томонидан ажратиладиган маблағ мазкур партия рўйхатга олган номзодлар сонига боғлиқ. Ушбу миқдор ўтган сайловдаги ҳар бир номзод учун 1 000 060 сўмдан (330 Евро эквиваленти) ҳозирги 4 833 000 сўмгача (1 600 Евро эквиваленти) ошган. Шахсий ҳайриялар,

⁸ Номзодлар рўйхати қуйидаги интернет манзилда келтирилган: <http://elections.uz/634-%D0%BA%D0%B0%D1%80%D0%BE%D1%80%20%D0%B8%D0%BC%D0%B7%D0%BE%D0%B3%D0%B0.pdf>.

⁹ Сайлов тўғрисидаги қонуннинг 27¹, 27², 27³, 27⁴ – моддаларида кампания базаси баён қилинган.

агар шундайлар мавжуд бўлса, сиёсий партиялар томонидан барча номзодларга тенг бўлиб берилиши учун МСКга тақдим этилиши лозим. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берилган маълумотларга кўра ҳозирга қадар ҳеч қандай шахсий ҳайрия тақдим этилмаган. Сайлов кампанияси тадбирлари давомида сайловчиларга молиявий тўловларни амалга ошириш ёки совғалар (яъни товарлар ёки хизматлар) тарқатиш таъқиқланган.

Қонунга асосан сиёсий партиялар йилда бир марта мутассадди молиявий бошқарув органларига, яъни Солиқ кўмитаси, Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигига молиявий ҳисобот тақдим этишлари лозим. Шунингдек, қонунга кўра, сиёсий партиялар сайловдан кейин 20 кун ичида ўз сайлов кампаниялари билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар бўйича МСКга ҳисобот топширишлари лозим. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг йиллик бюджетлари чоп этилади ва Қонунчилик палатасига топширилади. Уларга МСК, Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг парламент сайлови кампанияси мобайнидаги сиёсий партиянинг молиявий даромадлари ва ҳаражатлари тўғрисидаги мурожаатномаси киритилган бўлади. Депутатларнинг ўндан бир қисми маъқуллаган ҳолда кампания ҳаражатларининг тафтиш этилиши бошланиши мумкин.

IX. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Конституцияда сўз эркинлиги, оммавий маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган ва цензура таъқиқланган. Айни вақтда, Конституция ва 1997 йилда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги” қонунда оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларининг ҳаққонийлиги бўйича масъул ҳисобланадилар. Шунингдек, “Сайловлар тўғрисида”ги қонунга кўра “оммавий ахборот воситаларида тарқатилган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак”. Қонунда шунингдек депутатликка номзодларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотлар тарқатиш таъқиқланган. Жиноят Кодексига бундай путур етказиш учун уч йилгача (президентнинг шаънига путур етказилса, беш йилгача) бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Оммавий ахборот муҳити ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили томонидан танқид қилинган бўлиб, у қамокқа олинган учта журналистни зудлик билан озод этиш тўғрисида 8 сентябр кун иана бир бор мурожаат қилди.¹⁰

Барча оммавий ахборот воситалари, жумладан босма нашрлар ва телерадио эфирлари, шунингдек интернет саҳифалари Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиши лозим. Агентлик Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради. Салмоқли миқдордаги оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинган бўлсада, давлатга қарашли бўлган эфирга узатиш муассасаси – яъни Ўзбекистон телевидение ва радио кампанияси бутун мамлакат бўйича эфир тарқатувчи ягона ОАВ ҳисобланади.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ суҳбатдошларининг баъзилари таъкидлашича мавжуд қонуний база оммавий ахборот воситаларида сиёсий плюрализмга тўсқинлик қилмоқда.

Интернетда, баъзи сайтларга кириш тез-тез тўсиб қўйилиши ва улар ёпилишига қарамасдан, алтернатив нуқтаи назарлар чоп этилиб турилади. Бун и хусусан социал ОАВларда кузатиш мумкин. Аммо, “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” қонунга 5 сентябрда киритилган ўзгартиришларга асосан интернетда нотўғри ахборотни жойлаштириш ва уни репост қилиш таъқиқланади ва блоггерларга фақат текширилган ва ишончли маълумотларни жойлаштириш

¹⁰

Қаранг: <http://www.osce.org/fom/123275>.

масъулияти юкланади. Расмий маълумотларга кўра, 2013 йилда интернетдан фойдаланувчилар сони 10 000 089 кишини ташкил этган.¹¹

Сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг ҳар бирига ҳафтасига 238 минут давомида давлатга қарашли бўлган миллий телевидение ва радио каналлари эфирдан ва шу билан тенг миқдорда давлат газеталаридаги нашр майдонларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Сайлов иштирокчилари давлат ва тижорий ОАВларда эфир вақти ва нашр майдонини сотиб олишлари мумкин. Қонунда кампанияни таҳририят томонидан ёритиш меъёрлари назарда тутилмаган. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга МСК берган маълумотларга кўра, хусусий ОАВларига номзодларга тенг ҳажмда қамров имкониятини тақдим этиш тавсия қилинган. 5 декабр куни ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ бешта телестанция ва саккизта газетани кузатиб бориш фаолиятини бошлади.¹²

Х. ШИКОЯТЛАР ВА АППЕЛЯЦИЯ

Номзодлар, партиялар, сайловчилар ва кузатувчилар сайлов комиссияси қарорлари устидан юқори мартабали сайлов комиссиясига ёки фуқаролик ишлари билан шуғулланувчи биринчи масъул (туман) судига мазкур қарорлардан кейинги 10 кун ичида шикоят қилишлари мумкин. Ушбу муассасаларга қарор қабул қилиш учун уч кун муддат белгиланган. Сайловгача олти кундан кам муддат қолган ҳолларда масъул идора дарҳол қарор чиқариши лозим бўлади. МСК қарорлари юзасидан шикоятлар Олий Судга тақдим этилиши мумкин. Шикоятчилар ўз аризалари судларда ёки сайлов комиссияларида кўриб чиқиладиганида қатнашишлари мумкин. Бугунги кунга қадар МСКга сайлов жараёни бўйича ҳеч қандай расмий шикоят келиб тушмаган.

ХІ. ФУҚАРОЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ КУЗАТУВЧИЛАРИ ВА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР

“Сайлов тўғрисидаги” қонунда сайловлар хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва уюшмалардан келган халқаро кузатувчилар томонидан кузатилиши кафолатланган. МСК томонидан ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ дан ташқари Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)дан келган дастлабки гуруҳ аккредитация қилинган ҳамда 300 га яқин халқаро кузатувчилар рўйхатга олиниши кутилмоқда. “Сайлов тўғрисидаги” қонунда шунингдек ўз номзодларини таклиф қилган сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситаларига сайлов жараёнини кузатиш имкони берилган. ЕХХТ/ДИИХБ нинг олдинги тавсияларига қарамаздан қонунчиликда фуқаролик ташкилотлари учун кузатувчиликни амалга ошириш имконияти назарда тутилмаган.

Халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситаларини аккредитация қилиш жараёни давом этмоқда. Сиёсий партиялар ўз вакиллари ва агентлари рўйхатини 6 декабрга қадар ОСКларга тақдим этишлари имкони берилган. Барча партиялар сайлов куни аксарият сайлов участкаларига ўзларининг тайёргарликдан ўтган вакилларини юбориш режалари борлигини маълум қилганлар.

¹¹ www.parliament.gov.uz/ru/events/other/9031.

¹² Мониторинг қилинаётган телевидение каналлари қуйидагилардан иборат: *Ўзбекистон, Тошкент, UzReport TV, Yoshlar*. Мониторинг қилинаётган газеталар қуйидагилардан иборат: *Адолат, Даракчи, Народное слово, Миллий тикланиш, Ўзбекистон овози, Правда востока, Халқ сўзи, XXI Аср*.

ХП. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ФАОЛИЯТИ

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ Тошкентдаги ўз расмий фаолиятини 2 декабр куни матбуот конференцияси ўтказиш билан бошлади. Миссия раҳбари МСК раиси ва аъзолари, Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда дипломатик корпус аъзолари билан учрашди. Шунингдек, СКЧМ МСК, сайлов жараёнига жалб этилган давлат муассасалари, сиёсий партиялар ва номзодлар, фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари билан мунтазам алоқани ўрнатди.